**ТАСДИҚЛАЙМАН**

**Юқоричирчиқ сув**
**иншоотлари Бошқармаси бошлиғи**

**______________У.Т.Баратов.**

30 июн 2022 й.

**Бажарувчи ташкилоти танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖАТЛАРИ**

**YUQORI CHIRCHIQ SUV INSHOOTLARI**

**BOSHQARMASI 2022.Й**

**Танлов хужжатларини мазмуни:**

**1.Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.**

**2.Техник қисм**

**3.Нархлар қисми**

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

**1.1.Танлов предмети:** Юқоричирчиқ сув иншоотлари бошкармасига автотранспот воситаларини 2022 йил июл ойига жорий таъмирлаб бериш.

1.2.Танловнинг юқори қиймати 53 900 000 (Эллик уч миллион туккиз юз минг)сум

1.3.Махулот бўйича техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмида илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузади.**

1.4.Ишларни (товарни етказиб бериш) бажариш муддати ғолиб чиққан қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида етказиб бериш.

1.5.Буюртмачи товарнинг сони тўлиқлигини, бутлигини, сифатини ва эълонда ёки офёртада кўрсатилган бошқа талабларга мувофиқлигини Ижрочининг иштирокида текшириб қабул қилиб олиши шарт.

1.6.Барча транспорт харажатлари Ижрочи томонидан қопланади (агар мазкур шартлар шартномада бошқа шартлар белгиланмаган бўлса).

1.7. Ижрочи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва Буюртмачи томонидан текшириб олинганлиги Ижрочи расмийлаштирган ҳисоб-фактурани Тарафлар томонидан имзоланиши билан тасдиқланади.

1.8.Буюртмачи товарни қабул қилиб олгандан бошлаб 3 кун ичида бу ҳақида бюджет ташкилотларининг автоматлаштирилган тизими (бундан кейин УзАСБО) орқали электрон шаклда тўлов топшириқномасини шакллантириб тўлов маблағини Ижрочининг ҳисобрақамига ўтказади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

**2.1Юқоричирчиқ сув иншоотлари бошкармаси**

111722 Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Amir Temur ko`chasi, 12a - uy,
tel/faks: (0370) 714-00-72, (0370) 714-15-43,
e-mail: vchug1989@mail.ru

2.2Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов Юқоричирчиқ сув иншоотлари боқкармаси "Буюрмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

-шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

-шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

-солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

-ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

-Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

## 4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

21. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси иштирокчиларни таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кунга қадар харид иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни порталга киритиши шарт.

22. Харид иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ва/ёки тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган оферентлар танловга қўйилмайди.

4.1Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши ёки қарши овоз бериши мумкин. Харид комиссияси аъзоси қарши овоз берганда электрон баённомада асослантирилган тушунтириш қолдиради

Комиссия аъзолари томонидан тасдиқланган танлов ҳужжати комиссия котиби ёки раиси томонидан буюртмачига юборилади. Агар комиссия аъзоларида танлов ҳужжати бўйича эътирозлар мавжуд бўлса, буюртмачида танлов ҳужжатлари бир овоздан тасдиқланмаганлиги ҳақида маълумот акс этади, буюртмачи керакли маълумотларни ўзгартириб, қайта модерацияга жўнатади, танлов ҳужжатлари модерациядан муваффақиятли ўтгандан сўнг тизим автоматик тарзда уларни комиссияга кўриб чиқиш учун юборади. Комиссия аъзолари танлов ҳужжатларини қайтадан кўриб чиқадилар. Танлов ҳужжатлари комиссия томонидан бир овоздан маъқуллангандан сўнг, комиссия котиби ёки раиси буюртмачига юборади. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон комиссия томонидан тасдиқлангандан кейин буюртмачи эълонни савдога жойлаштиради.

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала хуқуқий лайокат ва ваколатлар.

-танлов объектларига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибаси мавжудлиги,
-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисида маълумот.
3.3Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
-Қайта ташкил этилиши,(ажратилиши,қўшилиши), тугатиш ва банкротлик арафасида турганлар;
-мол мулки мусодара қилинганлар, хада муасислик келишув ,молияви иштирокхолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –хукукий еки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.